

# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/2 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*№ S/2 (3)-2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

Специальный выпуск

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**  
Special Issue

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Гайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<b>Рахманова Мавлуда Эркин қизи</b> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	9-16
<b>Икромжонов Акмалжон Махмуджонович</b> ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ.....	17-25
<b>Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли</b> ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН.....	26-34
<b>Хамидова Дилфуза Улуғбек қизи</b> НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА.....	34-41
<b>Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli</b> SULTON RAHMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI.....	42-49
<b>Махмудов Махмуд Авазович</b> ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАШУВИ.....	50-58
<b>Mamatov Bektosh Tolibjon o'g'li</b> YALANGTO'SH VANODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR.....	59-66

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<b>Muminova Elnoraxon Abdukarimovna</b> “YASHIL” IQTISODIYOTGA O'TISHNING HORIJY TAJRIBALARI.....	66-75
<b>Файзуллоев Мирсаид Шухратович</b> СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	76-85
<b>Кахарова Нилуфар Эркинжоновна</b> ОКР МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҚИДА ТУШУНЧА, МАҚСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР.....	86-91
<b>Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич</b> СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	92-99
<b>Rahmonov Mirvoxid Rajabovich</b> HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH.....	100-107
<b>Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич</b> ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	108-115
<b>Тоштемиров Шохруҳ Тошпўлатович</b> ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.....	116-120

<b>Насимов Равшанжон Азимович</b> МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ .....	121-130
<b>Nabieva Nilufar Muratovna</b> MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY.....	131-139
<b>Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович</b> КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ .....	140-148
<b>Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li</b> TO'G'RIDAN – TO'G'RI HORIJYIY INVESTITISYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH.....	149-155
<b>Yusupov Farruxbek Farxodovich</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XIZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI.....	156-162
<b>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</b> KICHIK BIZNES KORXONALARIDA MOLIYAVIY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSIYATLARI .....	163-172
<b>Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи</b> ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ .....	173-179
<b>Насимджанов Юнусжон Зоҳидович</b> МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	180-187
<b>09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич</b> ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ .....	188-192
<b>Холмирзаев Нодиржон Низомжонович</b> УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	193-198
<b>Voboqulov Abror Abdug'ani o'g'li</b> “OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT” TIL MODELINING FALSAFIY Tahlili .....	199-204
<b>Ялгашев Бунёд Махмудович</b> САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИНГ ЯШАШ ТАРЗИ .....	205-213
<b>Safarov Maqsudali</b> ABU BAKR AR-ROZIYNING “TIBBI RUHONIY” (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G‘AZABNI VA INSONNING O‘Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR .....	214-219
<b>Сохибова Лола Жонибоевна</b> ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ .....	220-224

**Адашова Махсума Махмудбоевна**  
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ  
ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА.....225-231

**Mukhammediyarova Akhmaral**  
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE  
ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM.....232-239

#### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

**Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon**  
FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO‘LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY  
MA‘NOLARI.....240-245

**Surmilova Elena**  
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE  
TEACHING .....246-252

**Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи**  
ТИЛШУНОСЛИҚДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ .....253-257

**Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna**  
XITOIY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO‘LIQLOVCHISI (结果补语)” .....258-262

**Azzamov Yusufjon Radjaboy o‘g‘li, Jo‘rayeva Xayriniso Shavkat qizi**  
EKOJURNALISTIKANING QO‘LLANILISH KATEGORIYALARI .....263-268

**Fillipova Olga Igorevna**  
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY.....269-278

**Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi**  
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER” .....279-285

#### **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

**Ильясов Баходир Ильясович**  
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO‘RSATISHNING TASHKILY-HUQUQIY MEKANIZMI VA  
UNING RIVOJLANISH YO‘LLARI .....286-293

**Чориева Хуршидабону Хуррам қизи**  
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ  
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ .....294-299

**Хаётов Анвар Хусанович**  
ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИНИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ  
СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ .....300-307

#### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

**Журабекова Хабиба Мадаминовна**  
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ  
КОМПЕТЕНТНОСТИ .....308-315

<b>Tursunova Aziza Xoshimovna</b> WEB TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR YARATISH USULLARI .....	316-321
<b>Oblanazarov Faxriddin Asadovich</b> FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN- QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH .....	322-329
<b>Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna</b> IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING O'RNI .....	330-335
<b>Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li</b> MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI .....	336-342
<b>Jurayev Bobomurod Tojiyevich</b> SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI .....	343-350



*08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари*

**Файзуллоев Мирсаид Шухратович**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчиси

### **СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада, солиқ хизмати органлари томонидан камерал солиқ текширувларининг услубий асослари такомиллаштириш ва уларни самарадорлигини баҳолаш йўллари бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, тадқиқот доирасида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, молиявий назорат, солиқ текширувлари, камерал назорат, солиқ аудити, аудитнинг халқаро стандартлари, норматив таҳлил, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

---

**Файзуллоев Мирсаид Шухратович**  
Государственный Университет Ташкент  
Независимый исследователь

### **АНАЛИЗ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО НАДЗОРУ ЗА СИСТЕМАМИ ДОЙ КАМЕР НАЛОГОВЫЕ ПРОВЕРКИ**

**Аннотация.** В данной статье проведено исследование органами налоговой службы путей совершенствования методологических основ камеральной налоговой проверки и оценки их эффективности, в рамках исследования сформированы выводы и предложения.

**Ключевые слова:** налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, финансовый контроль, налоговые проверки, камеральный контроль, налоговая проверка, международные стандарты аудита, нормативный анализ, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка.

---

**Fayzulloev Mirsaid Shukhratovich**  
State University Tashkent  
Independent Researcher

### **ANALYSIS OF ACTIVITIES FOR THE SUPERVISION OF DOME CAMERA SYSTEMS TAX AUDITS**

**Abstract.** In this article, a study by the tax authorities of ways to improve the methodological foundations of a desk tax audit and evaluate their effectiveness was carried out, conclusions and suggestions were formed as part of the study.

**Keywords:** tax, budget policy, budget, tax administration, financial control, tax audits, cameral control, tax audit, international auditing standards, regulatory analysis, tax revenues, tax incentives, tax rate.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N09>

## Кириш

Республикамизда бугунги кунгача олиб борилган ислохотлар барча соҳаларни қамраб олиб, соҳаларнинг ривожланиши боришига сабаб бўлди. Айниқса, ҳар бир фаолият тури бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, соҳанинг услубий таъминоти яратиб берилди. Жумладан, камерал назорати фаолияти бўйича амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда аудит бўйича етарли услубий таъминот мавжудлигини кўрсатмоқда. Мазкур соҳа бўйича, солиқ текширувларининг услубий асослари қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари соҳанинг услубий таъминоти яратилганлигидан далолат беради.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:

С.Мирошник (2017) солиқ назоратига оид илмий тадқиқотларида солиқ назоратига муаллифлик таърифини беради: “солиқ назорати - бу ваколатли давлат органларининг хўжалик субъектлар томонидан солиқ ва ҳуқуқий тартибга солишнинг бажарилишига ҳуқуқий баҳо бериш, ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш, фуқароларнинг фискал манфаатларини бузувчи шахсларни жавобгарликка тортишда ифодаланган фаолияти” дир.

Л.И.Кофлер Ю.П.Кашириналар (2017) солиқ назоратини солиқ тизими фаолиятининг муҳим шарти солиқ текширувлари орқали амалга ошириладиган самарали механизм деб ҳисоблайди. Ушбу олимларнинг ёндошувида “солиқ текшируви солиқ органининг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши (ўтказилиши) устидан назорат ҳаракати, бу жараёнда солиқ назорати натижасида олинган ҳақиқий маълумотлар солиқ органларига тақдим этилган солиқ декларацияси маълумотлари билан таққосланадиган иқтисодий механизмдир”.

Н.Шестакованинг (2018) илмий қарашлари бу борада анчайин ўз аҳамиятига эга. Ушбу олим солиқ назоратига таъриф бериб уни: “солиқ интизомига риоя этилишини текшириш, солиқ ҳуқуқбузарликларининг максимал сонини аниқлаш ва профилактика чораларини кўриш имконини берувчи техника ва усулларни ўз ичига олган солиқ қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг махсус, профилли ҳаракатлари мажмуидир”.

Россиялик олимлар Н.А.Филиппова ва Д.Ю.Макевнина (2018) кенг маънода солиқ назоратини Россия Федерациясининг самарали молиявий сиёсати ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва давлатнинг қонуний талаблари ўртасидаги мувозанатга эришишга қаратилган давлат томонидан тартибга солиш чоралари тизимининг ажралмас қисми сифатида белгилайди.

М.Садчиков (2010) “солиқ текшируви солиқ назоратининг асосий шакли бўлиб, солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ваколатли органларнинг процессуал ҳаракатлари мажмуидан иборат ва у текширилаётган шахсларнинг ҳисобот маълумотларини, солиқ органларининг қарорларини солиқ тўловчилар, йиғимлар тўловчилар ва солиқ агентларининг молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати билан таққослаш йўли билан амалга оширилади” деб ҳисоблайди.

Солиқ аудитининг муҳимлигини Барсулая (2019) қуйидагича ифодалайди: ҳозирги вақтда аудиторлик хизмати турлари ичида солиқ аудитига кўпроқ эҳтиёж туғилмоқда. Экспертларнинг баҳолашича Россия аудиторлик компаниялари тушумининг 30 фоизи солиқ аудитига тўғри келмоқда.

Бу тўғрида Арэнс ва Лоббеклар (1995) қуйидагиларни ёзишган: “Солиқ тўловчиларни федерал солиқ қонунларига риоя қилишини, солиқ декларацияларни текшириш учун ҳукумат аудиторлар ёллайди. Солиқ қонунчилиги жуда мураккаб бўлиб, солиқларни текшириш бўйича аудитордан чуқур билимларга эга бўлишликни талаб этилади”.

Иқтисодчи олимлардан Шеремет ва Суйслар (2005) солиқ аудитига «солиқ аудити - бу солиқларни тўғри ва тўлиқ ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ сиёсатига риоя қилинишини аудиторлик текширишидир» дея таъриф беради.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**


Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси (138-моддаси), шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”да камерал солиқ текширувига “солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботини, молиявий ҳисоботни, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказиладиган”<sup>1</sup> солиқ назорати шакли сифатида келтириб ўтилган. Албатта солиқ текширишнинг бу турини ўтказишнинг муҳим шартлари мавжуд бўлиб, у албатта солиқ хизмати органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) буйруғи асосида ўтказилиши, ушбу буйруқда текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, текширувни ўтказиш муддатлари, текширилаётган давр, текширилаётган солиқлар ва йиғимларнинг турлари, солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами, кўрсатилиши лозим бўлади.

Бизга маълумки, амалдаги тартибга мувофиқ, солиқ хизмати органлари томонидан камерал солиқ текширувлари “солиқ тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши ҳолатлари ҳақида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари солиқ органига тушганда, солиқ тўловчи томонидан олдин тақдим этилган солиқ ҳисоботига нисбатан тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини камайтирадиган ёки кўрилган зарар суммасини кўпайтирадиган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилганда, солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботида тафовутлар ёки хатолар аниқланганда, текширувдан олдинги таҳлил натижаларида аниқланган тафовутлар бўйича солиқ тўловчига солиқ органи томонидан юборилган хабарномага жавобан хабарнома олинган кундан эътиборан ўн кун муддатда солиқ тўловчи томонидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи ёхуд

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси (138-моддаси), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”.

асослантиришлар тақдим этилмаганда, солиқ хавфини бошқариш тизими асосида аниқланган солиқ тўғрисидаги қонунчилик бузилиши содир этилганлиги хавфи мавжудлигида”<sup>1</sup> ўтказилади.

Агар, солиқ тўловчига давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ ҳисоботидаги тафовутлар ёки хатолар аниқланган ҳолатлар юзасидан солиқ органи томонидан икки кун муддатда солиқ тўловчига уларни бартараф этиш бўйича юборилган талабнома асосида белгиланган кун ичида аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаса ёки аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаса, солиқ органи томонидан бу юборилган ва тақдим этган асосномалар етарли эмас деб топилса солиқ органи солиқ тўловчига солиқ аудитини тайинлашга ҳақли бўлади. Бундан кўринадики, камерал солиқ текшириш тури солиқ тўловчининг фаолиятини янада ҳам чуқурроқ солиқ назоратини ўрнатишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.



**1-расм. Камерал солиқ текширувини ўтказишга қадар босқичлар<sup>2</sup>.**

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистонда амалдаги меъёрий ҳужжатларга кўра, камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ органининг текширувчи шахси “солиқ тўловчининг ҳудудлари ва биноларини кўздан кечириши, солиқ текширувларини ўтказиш чоғида солиқ тўловчини ёзма билдириш асосида солиқ органига у томонидан солиқларни тўлаш (ушлаб қолиш ва ўтказиш) юзасидан ёхуд солиқ текшируви билан боғлиқ равишда тушунтиришлар беришга чақириси, текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли бўлган ҳужжатларни учинчи шахслардан талаб қилиб олиш зарур бўлган ҳолларда ушбу ҳужжатларни солиқ тўловчининг контрагентидан ёки ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган бошқа шахслардан талаб қилиб олиши, товарларнинг (хизматларнинг) битимдаги нархи бозор нархидан паст ёки юқори бўлган ҳолларда, тегишли солиқлар бўйича солиқ базасига тузатиш киритиш, камерал солиқ текшируви жараёнида текширилаётган солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар сўровнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилмаганда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиши”<sup>1</sup> мумкин.

Камерал солиқ текширувини ўтказиш жараёнига киришишдан олдин солиқ тўловчи томонидан солиқ органига тақдим этган солиқ ҳисоботи ва солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни солиқ тўловчининг иштирокисиз давлат солиқ хизмати органи мутахассислари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, ўтказиладиган автоматлаштирилган таҳлилини ўтказиши мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, солиқ тўловчиларнинг солиқ ҳисоботларидаги тафовутларни келиб чиқиш сабабларини тушунтириш, ўтказилиш эҳтимоли бўлган текширувларни олдини олишда солиқ тўловчиларга кўмаклашиш мақсадида солиқ органлари томонидан текширувдан олдинги таҳлиллар натижаларида тақдим этилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳисоботида акс эттирилган товар (хизмат)ларни реализация қилишдан соф тушум кўрсаткичлари ўртасидаги тафовутлар аниқланмоқда. Бунга сабаб – молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини сўм бирликда тўлдирилиб тақдим этилишидир. Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” 140-сонли буйруғига мувофиқ “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” минг.сўм ўлчов бирлигида тўлдириши белгиланган. Хатога йўл қўймаслик учун – солиқ тўловчилар томонидан Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари минг.сўм ўлчов бирлигида тўлдирилиб тақдим этилиши лозим. Юқоридаги ҳолатлар бўйича 2022 йил бошига қадар ҳолатда 11367 та ташкилот солиқ ҳисоботларида жами 4488,1 млрд. сўмлик тафовутлар аниқланган.

Давлат солиқ органлари томонидан ўтказилаётган текширувдан олдинги таҳлиллар<sup>2</sup> давомида аниқланаётган хатоликлардан бири – солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи ҳисоботини тақдим этиш жараёнида фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) суммалари нотўғри акс эттириш ҳолатидир. Камчиликларни бартараф этиш учун – солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 240-сатрида акс эттирилган суммалар

<sup>1</sup> “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”.

<sup>2</sup> (<https://lex.uz/docs/-4674902#-4679257>)

фойда солиғи ҳисоб-китобининг 030-сатрида тўғри акс эттирилиши лозим. Ушбу ҳолат бўйича 2021 йилда 296 та ташкилот солиқ ҳисоботларида жами 116,6 млрд. сўмлик тафовутлар аниқланган бўлса, айланмадан олинadиган солиқ (АОС) ҳисоботининг жами даромадлар таркибидаги суммаларини ортиб борувчи якун билан тақдим этмаслик ҳолати доирасида 2021 йилда 194 та ташкилот солиқ ҳисоботида жами 665,5 млн. сўмлик тафовутлар, солиқ тури бўйича ҳисоботини тақдим этиш жараёнида валюта ҳисобварақлари бўйича ижобий курс фарқининг салбий курс фарқидан ошган суммалари нотўғри акс эттириш ҳолатида эса, 2021 йилда 463 та ташкилот солиқ ҳисоботларида жами 338,5 млн.сўмлик тафовутлар аниқланган. Фикримизча, ушбу камчиликларни бартараф этиш учун – солиқ тўловчилар томонидан айланмадан олинadиган солиқ ҳисоб-китоби Жами даромадлар иловаси (1-илова) 040-сатрида акс эттирилган даромадлар суммаси ортиб борувчи якун билан шакллантирилиши, солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилаётган айланмадан олинadиган солиқ ҳисоботининг жами даромадлар иловаси (1-илова) 0410-сатрида валюта ҳисобварақлари бўйича ижобий курс фарқининг салбий курс фарқидан ошган суммалари тўғри акс эттирилиши лозим.

Текширувдан олдинги таҳлиллар давомида кўп учраётган ҳолатлардан яна бири – суғурта ташкилотлари томонидан фойда солиғи ҳисоботини тақдим этиш жараёнида суғурта хизматларини кўрсатишдан олинган даромад суммалари нотўғри акс эттириш ҳолатидир.

1-жадвал.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилингунга қадар амалдаги (ЎРҚ 136-сон қонуни билан тасдиқланган) солиқ қонунчилиги доирасида ўтказилган камерал солиқ текширувлари натижасида 2017-2018-2019 йиллар давомида қўшимча ҳисобланган тўловлар таҳлили<sup>1</sup> (млрд. сўм)

Худудлар	2017 йил			2018 йил			2019 йил		
	Назорат-лар сони	Корхона сони	Сумма	Назорат-лар сони	Корхона сони	Сумма	Назорат-лар сони	Корхона сони	Сумма
Жами:	<b>292 565</b>	<b>172 542</b>	<b>1789,9</b>	<b>269 137</b>	<b>165 174</b>	<b>3267,6</b>	<b>282 930</b>	<b>157 810</b>	<b>5338,5</b>
Қорақалпоғистон	19 897	10 012	118,0	23 609	11 453	246,2	27 315	11 467	424,1
Андижон вил.	22 585	13 760	154,3	21 338	13 247	204,0	26 909	14 773	194,8
Бухоро вил.	29 158	14 161	144,0	24 900	12 506	244,6	24 707	12 613	258,0
Жиззах вил.	25 597	12 738	77,5	21 079	12 417	123,5	20 366	11 448	223,4
Қашқадарё вил.	18 871	12 961	98,5	19 329	12 809	241,1	20 894	12 051	270,9
Навой вил.	10 157	5 833	53,8	10 013	5 764	116,6	9 804	5 800	102,1
Наманган вил.	15 293	9 405	95,3	10 632	7 286	132,3	15 325	9 169	225,0
Самарқанд вил.	41 159	22 889	153,5	33 093	20 608	180,1	33 251	17 844	439,5
Сурхондарё вил.	10 730	7 257	62,1	12 907	9 113	103,7	16 519	8 809	195,6
Сирдарё вилояти	14 531	7 055	53,4	10 480	6 184	116,5	9 324	5 460	154,8
Тошкент вил.	17 353	12 220	140,2	18 905	12 738	274,5	21 680	13 234	370,2
Фарғона вил.	21 292	14 128	140,4	23 679	15 109	287,1	15 536	10 484	248,2
Хоразм вил.	13 468	8 733	73,1	16 482	9 505	146,9	15 375	8 324	175,7
Тошкент шах.	32 474	21 390	425,8	22 691	16 435	850,4	22 964	15 207	942,6
ЙСТИ	0	0	0,0	0	0	0,0	2 961	1 127	1113,7

<sup>1</sup> Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Камчиликларни бартараф этиш учун – суғурта ташкилотлари томонидан тақдим этилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 060-сатр 5-устунида акс эттирилган суммаларни фойда солиғи ҳисоботининг Жами даромадлар иловаси (1-илова) 020-сатрида тўғри акс эттирилиши лозим. Маълумот учун: юқоридаги ҳолатлар бўйича 2021 йилда 13 та суғурта ташкилоти солиқ ҳисоботларида жами 53,9 млрд. сўмлик тафовутлар аниқланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинганига қадар амалда бўлган солиқ қонунчилигига мувофиқ камерал солиқ текширувлари ўша вақтда тартибларга асосан амалга оширилган. Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки, ўтказилган камерал солиқ текширувлари натижасида 2017-2018-2019 йиллар давомида қўшимча ҳисобланган тўловлар таҳлилида 2017 йилда 172 542 та корхонада ўтказилган камерал солиқ текширувлари ўтказилган бўлиб, унинг натижасига кўра, 1789,9 млрд.сўмлик қўшимча солиқ тўловлари ҳисобланган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткичлар 165 174 та корхонада 3267,6 млрд.сўмлик, 2019 йилда эса, 157 810 та корхона доирасидаги ўтказилган камерал солиқ текширувлари бўйича 5338,5 млрд.сўмлик қўшимча солиқ тўловлари ҳисобланиб, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ушбу солиқларни қўшимча равишда тўлаш лозимлиги ҳақида расмийлаштирилган. Ваҳоланки, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан фаолияти камерал солиқ текшируви асосида текширилган корхоналар сони 68579 тага, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 7364 тага камайган бўлса-да, бироқ, текширув натижалари таҳлил қилинаётган йилларда солиқ тўловчиларнинг фаолиятида солиқларни камайтириб ҳисобланиши, солиқ базасини нотўғри аниқланиши, солиқларни нотўғри ҳисобланишига йўл қўйганлигидан далолат беради.

Бундан кўринадики, камерал солиқ текширувлари натижасида қўшимча ҳисобланган солиқ тўловлари миқдори 2019 йилда 2017 йилга нисбатан қарийб, уч баробарга ошган ҳолда, бу кўрсаткичлар ҳудудлар кесимида энг катта улуш Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи солиқ тўловчилар ҳиссасига тўғри келган. Бу ерда шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, камерал солиқ текширувлари натижасидаги солиқдан қочиш ҳолатлари бўйича йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарда бу ҳолат кўп учраган, бунинг асосий сабаби бизнингча, бу корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми бошқа корхоналарга нисбатан жуда юқори бўлиб, уларда ҳисобланган солиқ тушумлари ҳам катта миқдорни ташкил этади.

2-жадвал.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилингандан кейинги (ЎРҚ 599-сон қонуни билан тасдиқланган) солиқ қонунчилиги доирасида ўтказилган камерал солиқ текширувлари натижасида 2020-2021-2022 йиллар давомида қўшимча ҳисобланган тўловлар таҳлили<sup>1</sup> (млрд. сўм)

Худудлар	2020 йил			2021 йил			2022 йил		
	Назорат-лар сони	Корхона сони	Сумма	Назорат-лар сони	Корхона сони	Сумма	Назорат-лар сони	Корхона сони	Сумма
Жами:	45 328	41 105	9694,0	5 637,5	84 171	66 120	9 378,1	4 566,0	38 963
Қорақалпоғистон	1 326	1 267	56,2	62,3	3 718	3 230	47,8	11,3	1 158

<sup>1</sup> Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Андижон вил.	2 913	2 702	123,5	79,9	6 187	4 982	349,5	75,6	3 098
Бухоро вил.	2 949	2 803	182,6	110,9	6 154	4 506	241,0	37,6	3 327
Жиззах вил.	2 098	1 966	101,7	38,7	2 546	2 239	187,1	20,7	1 105
Қашқадарё вил.	2 321	2 014	234,5	114,4	7 878	5 981	335,3	31,4	1 332
Навоний вил.	1 299	1 238	88,5	57,4	4 681	3 596	98,7	57,2	1 140
Наманган вил.	2 502	2 387	173,5	79,5	4 826	3 370	363,9	76,2	3 200
Самарқанд вил.	3 651	3 444	181,0	83,7	8 362	6 918	161,0	106,3	3 392
Сурхондарё вил.	5 538	4 709	291,1	107,1	3 688	3 178	258,7	63,5	1 817
Сирдарё вил.	2 523	2 053	129,5	36,3	3 444	2 677	141,5	36,9	1 288
Тошкент вил.	4 225	3 973	135,2	111,3	6 481	5 209	261,7	47,1	3 597
Фарғона вил.	5 219	4 352	243,7	84,6	8 896	7 342	227,5	62,4	2 646
Хоразм вил.	1 919	1 736	86,4	68,1	5 461	4 625	147,3	57,0	3 850
Тошкент шаҳ.	6 381	6 100	542,2	248,0	10 831	7 687	1 092,6	317,8	7 590
ЙСТИ	464	361	7124,2	4 355,3	1 018	580	5 464,6	3 565,1	423

Юқорида биз солиқ тўловчиларнинг фаолиятини камерал тарзда солиқ назоратини ўтказилишининг Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилингунга қадар амалда бўлган солиқ қонунчилик доирасидаги таҳлилларни келтирган бўлсак, юқорида келтирилган жадвал маълумотларига асосланиб, ЎРҚ 599-сон қонуни билан тасдиқланган ва 2020 йилдан кучга кирган солиқ қонунчилиги доирасида ўтказилган камерал солиқ текширувлари таҳлилини 2020-2021-2022 йиллар даврга таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, 2020 йилда 41105 та 2021 йилда 84171 та 2022 йилда эса 4566 та корхоналарнинг фаолияти камерал солиқ текширувчи усулда солиқ назоратига тортилган. Назорат натижаларига кўра, 2018 йилда 9 694,0 млрд.сўмни, 2019 йилда 66 120 млрд.сўмни, 2022 йилда эса, 38 963 млрд.сўмлик солиқ тушумлари солиқ тўловчилар томонидан кам ҳисобланганлиги ёки бошқа турдаги молиявий хатоликлар ва қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланган. 2021 йилда 2020 йилга нисбатан текширувлар ва унда аниқланган қўшимча солиқ суммалари қарийб икки баробарга ошган бўлса, 2022 йил якунларига кўра, бу кўрсаткичлар анча камайган. Бунинг сабаблари сифатида бизнинг фикримизча, солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигини ўрганиши биров бўлса-да ошиб бориши ҳисобига, бошқа томондан эса, солиқ ҳисоботларининг анчайин соддалаштирилгани, қолаверса, солиқ тизимида рақамлаштириш жараёнларининг кенгайиши ҳисобига солиқ тўловчилар томонидан солиқларни бир мунча тўғри ҳисобланишининг ошиб бориши таъминланган.

Агар, камерал солиқ текширувлари бўйича ҳудуд кесимидаги солиқ тўловчилар томонидан ҳисобланган солиқ суммаси ёки уларнинг ҳужжатларини ўрганишда улар томонидан қўшимча ҳисобланиши лозим бўлган аниқлаган сумма миқдори, масалан Тошкент шаҳрида 7590 млрд. сўмлик, Хоразм вилоятида 3850 млрд.сўмлик, Тошкент вилоятида 3597 млрд. сўмлик, Самарқанд вилоятида 3392 млрд.сўмлик ва Бухоро вилоятида 3327 млрд.сўмлик қўшимча солиқ суммаси аниқлаган ва бу ҳудудларда бошқа ҳудудларга нисбатан анчайин бу кўрсаткичлар ошган.

Бироқ, ҳуқуқбузарлик доирасидаги солиқ суммаларини ундиришда кўпинча солиқ органлари томонидан муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади.



3-жадвал.

**Давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2022 йилда ўтказилган  
камерал солиқ текшируви таҳлили<sup>1</sup> (млрд. сўм)**

Худуд номи	Текшириш ўтказилган		Текшириш натижалари		Қўшимча ҳисобланган сумманинг ундирилиши		
			Қўшимча ҳисобланган	Камайишга ҳисобланган	Ундирилди	Тўлов мuddати келмаган ган	Қарзи ҳисобига
	корхона сони	риск сумма	сумма	сумма	сумма	сумма	сумма
<b>Жами</b>	<b>28787</b>	<b>7070,5</b>	<b>5 970,0</b>	<b>0,0</b>	<b>4 222,2</b>	<b>400,3</b>	<b>1 347,5</b>
Қорақалпоғистон	757	128,0	89,5	0,0	64,3	2,9	22,3
Андижон вил.	1 949	288,7	238,5	0,0	99,5	14,5	124,5
Бухоро вил.	2 509	313,9	276,0	0,0	225,0	7,7	43,3
Жиззах вил.	726	135,6	71,0	0,0	43,6	3,8	23,6
Қашқадарё вил.	942	180,4	222,5	0,0	167,0	14,8	40,6
Навоий вил.	922	135,3	62,7	0,0	50,6	0,0	12,1
Наманган вил.	1 904	217,4	276,8	0,0	210,4	5,9	60,6
Самарқанд вил.	2 262	309,4	329,6	0,0	257,3	37,4	34,9
Сурхондарё вил.	1 143	176,7	167,0	0,0	111,6	8,1	47,2
Сирдарё вил.	1 068	263,7	109,1	0,0	66,1	7,7	35,2
Тошкент вил.	2 849	697,0	549,2	0,0	358,4	76,9	113,8
Фарғона вил.	2 109	473,6	398,0	0,0	232,0	18,2	147,9
Хоразм вил.	3 134	236,3	103,8	0,0	66,2	4,3	33,3
Тошкент шаҳ.	6 235	2 450,6	1 067,0	0,0	750,4	83,6	233,0
ЎСТИ.	278	1 063,8	2 009,4	0,0	1 519,8	114,5	375,1

Юқоридаги келтирилган 3-жадвал маълумотларига асосланадиган бўлсак, давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2022 йилда ўтказилган камерал солиқ текшируви натижалари бўйича 28 787 та корхона кесимида қўшимча ҳисобланган 5 970,0 млрд. сўмлик солиқ тўловларининг 4222,2 млрд. сўмлиги ундирилган бўлиб, бу умумий сумманинг 70,7 фоизини ташкил қилади. Камерал солиқ текшируви давомида қўшимча ҳисобланган солиқ сумманинг энг кўп улуши худудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада Тошкент шаҳри (1067,0 млрд.сўм), Тошкент вилояти (549,2 млрд.сўм) ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналар (2 009,4 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келган. Бу ерда яна бир ҳолатни кўриш мумкинки, таҳлил қилинаётган йилда камерал солиқ текшируви давомида солиқ тўловчининг солиқ ҳисоботларини ўрганишда биронта худудда биронта солиқ тўловчига камайишга, яъни солиқ тўловчининг фойдасига текширув натижалари расмийлаштирилмаган.

### **Хулоса ва таклифлар**

Тадқиқот иши доирасидаги таҳлилларга асосланиб, солиқ текширувларини амалга оширишда “Автокамерал” дастурини қўллаш асосида текширувдан олдинги таҳлилларнинг самарасини таъминлаш муаммосининг ечими билан боғлиқ, “Автокамерал” дастур орқали камерал солиқ текширувларидан олдин таҳлилни ўтказишда ҚҚС бўйича таклиф этилаётган мезонлар асосида таҳлил қилиш ҳамда “Ташқи манба” тизимида қўшимча маълумотларни олиш бўйича таклифлар камерал солиқ текширувларини ўтказишда ўз самарасини беради.

<sup>1</sup> Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

**Адабиётлар/Литература/References:**

1. Мирошник Светлана Валентиновна и др. Актуальные вопросы правового обеспечения налогового контроля. Теория и практика общественного развития (2015, № 19).
2. Кофлер Л.И., Каширина Ю.П. Налоговые проверки: виды, порядок проведения и оформления результатов. Территория науки. 2017. № 1.
3. Шестакова Н.Н. Налоговые проверки в системе налогового контроля. Социально-экономический и гуманитарный журнал Красноярского ГАУ. 2018. №1.
4. Садчиков Михаил Николаевич. Камеральные и выездные налоговые проверки как формы налогового контроля. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов 2010.
5. Daniel Ho, Peter Lau (2019) Tax audit in Hong Kong// The International Tax Journal.21.12.2019. Samuel Chan, Gerald Chau, Patrick Leung (2017) Tax audit and investigation in China and Hong Kong// The International Tax Journal, February-January.
6. Аренс А., Лоббек Ж. (1995) Audit. – М.: Финансы и статистика. s.12-14. (Ahrens A., Lobbeck J. (1995) Audit. - М.: Finance and statistics. p.12-14.)
7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Гафур Ғулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.
8. Нормурзаев У. (2021). Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане. Экономика и образование, (6), 82–86. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/285>
9. Нормурзаев У. (2021). Пути эффективного использования налоговых льгот для поддержки предпринимателей. Экономика и инновационные технологии, (4), 355–362. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11954](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11954)
10. Нормурзаев У. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда солиқ имтиёзларини бериш орқали самарали усуллардан фойдаланиш йўллари //Экономика и образование. – 2021. – №. 3. – С. 91-95.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3) – 2023

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES Special Issue

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).